

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ АЖДОДЛАР ТАЖРИБАСИ:
МУАММО, ЕЧИМЛАР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН**

**БухДУ 2-курс магистри
Янгиева Дилноза Шухрат кизи
Доцент Камол Рахмонов**

Бухорода бошланғич таълим ва унинг анъанавий ҳамда замонавий ривожланиши бир неча босқичлардан иборат. Маълумки, Бухоро амирлиги даврида мактаблар давлат томонидан маблағлаштирилмаган, болаларнинг ўқиши муддати ҳам аниқ белгилаб қўйилмаган эди.

ХИХ аср охири –ХХ аср бошларида бошланғич анъанавий мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларни саводли қилиш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини шакллантириш, оддий ҳисоб–китобни ўзлаштириш, атроф-муҳит, табиат, ислом дини ҳақидаги илк билим ва тушунчалар бериш ҳамда ахлоқ-одоб қоидаларини ўргатишдан иборат бўлган. Бошланғич мактаблар масжидлар қошида бўлиб, уларга дарс берувчилар мадраса таълимини олган мударрислар, муаззин ва масжид имоми эди. Дарслар тушликкача давом этиб, ўғил ва қизлар мактаблари алоҳида-алоҳида бўлган. Қизлар мактаби ўғил болалар мактабидан фарқ қилиб, уларга отин бибилар дарс берган.

ХХ аср бошларида шаклланган тараққийпарварларнинг қарашларида хотин-қизлар таълими масаласи алоҳида ўрин тутган, жадидлар, ислом маърифатли бўлишни истаган аёлларга тўсқинлик қилмайди, деб таъкидлаганлар. Ислום илм ўрганишни эркакларга ҳам, аёлларга ҳам фарз деб ҳисоблашидан келиб чиққан ҳолда жадидлар ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитишда ташаббускор бўлдилар. Бухоро тараққийпарварларидан бири Садриддин Айний (1878-1953 йиллар) ўзининг “Эски мактаб” ҳамда “Эсдаликлар” китобларида, Абдурауф Фитрат (1886-1938 йиллар) ижтимоий-сиёсий қарашларида мазкур муаммолар очиб берилган.

Мактаблар таъминоти асосан вақф мулкларидан келган даромадлар ҳисобидан бўлиб, 1910 йилда Бухорода 350 та бошланғич мактаблар мавжуд эди. Шунингдек, ушбу мактабларда 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ўқиган, бошланғич таълим 6-7 йил давом этган, саводи чиқиши қийин бўлганлар 10 йилгача мактабга бориб келаверган. Мактабларда алифбо, ҳафтияк (Қуръоннинг эттидан бир қисми), “Фарзи айн” (мусулмонларга буюрилган, бажарилиши шарт бўлган амаллар), “Чоҳоркитоб”, “Панднома”, “Сабот ул-ожизин” (Сўфи Оллоёр), Хўжа Ҳофиз девонлари, Машраб ғазаллари ёдлатилган.

Лекин бошланғич мактабларнинг шарт-шароитлари ҳамиша талаб даражасида бўлмай, улар синчқори ёки хом ғиштдан бино қилинган. Хоналар ёритилмаган, ярим қоронғу ҳолатда бўлиб, болалар бўйра ва шолча устида, нам ҳамда захда ўтиришган. Шунга қарамай, ўқувчилар савод чиқаришга, диний – ахлоқий тарбия асосларини эгаллашга ҳаракат қилишган. Дарсликлар талаб даражасида бўлмай, тарих, адабиёт, география, математика каби зарурий фанларга эътибор этарли бўлмаган.

1920 йил сентябрда Бухоро амирлиги ўрнига Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганидан сўнг, ўша йилнинг 29 октябрида замонавий билимлар беришга қаратилган “Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” ишлаб чиқилган. Бу “Қоидалар”га асосан ўқувчиларга бошланғич таълим жараёнида диний билимлар билан бирга асосан дунёвий илмларни ўргатиш, болалар саводини чиқаришни замонавий усул ва воситаларидан фойдаланиб, синф хоналарида, синф дарс услуби билан машғулотлар ўтишга алоҳида эътибор қаратилди.

“Мактаблар ҳақида умумий қоидалар” матни ўша даврнинг матбуот саҳифаларида эълон қилинганидан кейин, бу жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Айрим маориф жонкуярлари бошланғич синфларда ўқиш муддатини 7-8 йил давом этиши лозимлигини айтишган. “Қоидалар”да эски мактабларни ислох қилиш, янги мактаблар ишида мадрасада таълим берган муаллимлардан

фойдаланиб туриш, қизлар учун ҳам алоҳида бошланғич синфларни ташкил этиш, таълимнинг мажбурийлигини таъминлаш, ўқувчиларни ҳукумат ҳисобидан бепул овқатлантириш масалалари санаб ўтилади. “Қоидалар”нинг 1-бўлим 11-бандида: “Мактабларнинг ҳар қайсисида тарбия олмоқ билан бирга, болалар учун мумкин бўлган равишда ош, чой, кийим ҳам берилур” -деб ёзилган. Мактабларда болалар соғлигини назорат қилиш учун доимий тиббий назорат кўригини ташкил этишга диққат-эътибор қаратилган.

Таълим-тарбияда “болаларни сўқмоқ, урмоқ, жазо бермоқ битирилиб, ўғит-насихат, танбех, ўрнак кўрсатиш (ибрат-намуна)” усулларини қўллаш қоидалари кўрсатилган.

Таълим “ахлоқий, фаний, сиёсий (мафкуравий)” равишда бўлиши, ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 30-35 киши қилиб белгиланиши ёзиб қўйилган.

Юқоридаги қайдлар ҳозирги замон руҳи билан ҳамоҳанг эканлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, таълимнинг шакллари, таълим-тарбия усуллари, ҳатто бир синфдаги ўқувчилар сони кабилар замонавий таълим тизими талабларига мос келади.

Ўқувчиларга ҳарфларни тез ўргатиш, ҳарф ости ва устига қўйиладиган белгилар ва уларнинг қўлланиши, бўғинлар тузиш каби қоидаларнинг содда усулларини қўллашга қаратилган энг яхши “Алифбо” китобини яратиш бўйича танлов ўтказилган. Ёзилажак “Алифбо” ўзбек тилида бўлиши, ҳарфлар ислоҳ қилинган араб имлосида ёзилиши, таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши, ёт тиллардаги сўзлардан холилиги шарт қилиб қўйилган. Намунали деб танилган “Алифбо” китоби муаллифларига 500 минг сўм миқдорида мукофот ҳам таъсис этилган.

Юқоридаги фикрлар БХСР даври (1920-1924 йиллар) бошланғич таълимига ҳукумат сиёсати даражасида ёндашилганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич таълим олиш учун фарзандларимизга энг қулай ва кенг имкониятлар ҳеч қачон истиқлол давридагидек яратилмаган.

Адабиётлар

1. Ҳайитов Ш., ва б. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: Бухоро, 2005. - 154 б.
2. Раҳмонов К. БХСР тарихи матбуот саҳифаларида. -Т.: АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛТ, 2012. -175 б.
3. Ражабов Қ., Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида маориф масаласининг ёритилиши // Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). Тошкент – 2011. –Б. 154-160.